АДИБ ВА ЖАМИЯТ

*Иброҳим ЮСУПОВ:*

# ГЎЗАЛ ШЕЪРИЯТГА ОШИҚМАН

Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов билан кўпдан бери суҳбатлашиш ниятида эдик. Ҳаётдаги ўзгаришлар, адабиёт ва санъатга муносабат, истиқлол қувончлари, халқ, юрт, табиат ҳамда Орол тақдири, адабиётдаги янгиланишлар, ёшлар ижодига муносабат... каби қатор масалалар хусусида халқ шоири, халқ депутатининг фикрлари, табиийки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Ниҳоят, ниятимиз бироз кечикиб бўлсада ушалди. Шоир саволларимизга бажонидил жавоб қайтарди. Қуйида унинг гоҳ ҳазил-мутойиба аралаш, гоҳ жиддий, гоҳ ўта дард билан айтган гаплари сиз, азиз муштарийларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

**— Мустақиллик империя ҳудудидаги халқларнинг орзуси эди. Мана, ниҳоят унга ҳам эришдик. Эндиликда ҳар бир республика ўз ҳолича яшаш, ўз ҳолича давлатчилигини қарор топтириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Бу, албатта, яхши. Лекин биз бугун мустақиллик жабҳасига кирган давлатлар марказга иқтисодий қарамлигимиз билан бирга санъат, адабиёт, маданият, маънавият соҳаларидаги қарор топган ижодий ҳамкорликларимиз устига ҳам чизиқ тортиб юбормадикми! Ахир бизнинг мустақиллик ҳақидаги ўйларимиз қанча кучли бўлмасин, қўшни давлатлар билан маданият ва санъат жабҳасидаги ҳамкорликларсиз яшашимиз мумкинми!**

— Яшашимиз мумкин экан. Мана, ҳозир яшаб ётибмиз-ку... Нимасини айтасиз, ғоят ғаройиб, борингки бозор қилиб, ёлғиз ўзинг ҳеч ким билан муроса қилмай яшайвераркансан...

Бир пайтлари «адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги» деган шиор баланд пардаларда жаранглар эди. У ҳар икки гапнинг бирида такрорланиб турарди. Эндиликда эса халқлар дўстлиги деган сўз ўзаро борди-келдилари мавжуд мамлакатлар бошлиқлари бир-бирлари билан учрашганда ёки давлатлараро ҳамкорлик ўрнатиш учун ўтказиладиган йиғинларда қўлланиладиган навбатчи терминга айланиб қолди.

Эҳтимол, «Халқлар дўстлиги метиндай мустаҳкам» деган сўзни кўп йиллар давомида ўринли-ўринсиз ишлатавериб, такрорлайвериб, сийқасини чиқариб, ҳамманинг меъдасига тегадиган қилиб қўйган бўлсак ажаб эмас. Бу гўё бир дарахтни унинг шохларига, худди янги йилда арчани ҳар хил ялтир-юлтурлар билан безаган каби, турфа хил ясама юлдузлар тақиб ташлаган эдик. Дарахтдаги бу юлдузлар эса эндиликда салгина шабадага ҳам дувва тўкилиб қолди... Дўстлик темаси ғоят буюк мавзу. Қуръони каримни таҳоратсиз қўлга олиб бўлмаганидек, бу мавзуга ҳам қалб ёлқинисиз мурожаат этмоқ бекор. Мен ҳам шоир сифатида халқлар дўстлиги мавзуида кўп асарлар яратганман. Уларни дилдан чиқариб ёзишга, қардошликнинг улуғ туйғу эканини дил-дилдан ҳис қилиб, тил учида эмас, бағрим ўртаниб куйлашга ҳаракат қилганман. Маълумки, ҳар бир халқнинг ёки юртнинг ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган гўзал, бетакрор романтик олами бўлади. Дўстликни улуғлайдиган ҳақиқий шоир бошқа халқларнинг ана шу романтик оламини чуқур англамоғи, нафақат англамоғи, уни оташин муҳаббат билан севмоғи керак. Масалан, устоз Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» туркум шеърларида шоирнинг юртимизга бўлган ана шу оташин муҳаббати ёрқин аксини топган. Биргина бу эмас, бу борада яна ўнлаб ўзбек ва қорақалпоқ шоирлари ҳаёти ва асарларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дўстлик ҳақида гап борар экан, бугунги кунга нисбатан кеча биз ўзбек ҳамда қорақалпоқ ижодкорлари яқин эдик, бир-биримизга ҳамкор эдик десам, Америка очмайман ва бу ҳақиқатни айтиш билан ўтмишни қўмсовчига ҳам айланмайман. Фақат биз энг яхши анъаналаримизни тиклайлик, давом эттирайлик демоқчиман. Айни пайтда, Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиб, мустақил давлатга айланиши биз қорақалпоқларни ҳам беҳад қувонтирмоқда. Шу сабабли қорақалпоқ шоирининг тилидан ҳам қуйидагича шеърлар янграши табиий:

**Бугун Аму бўлиб оққим келади,**
**Арғумоқ от бўлиб чопгим келади.**
**Бугун кўкси узра ўзбек оғамнинг**
**Қалбимдан гул узиб таққим келади.**

Бу мисраларга қалб туйғуларим жо бўлганига виждоним билан кафилман. Чунки бағрида яшаётганимиз Ўзбекистоннинг истиқлол қуёши бизнинг халқимизга ҳам ўз нурини сочади, шоир Абдулла Орипов айтганидек, унинг нури «бизнинг елкамизга ҳам тегади», унинг шамолидан биз ҳам баҳра оламиз.

Лекин булар ҳақда қанча қувониб гапирмайлик, сиз ҳақсиз, — ростдан ҳам, эндиликда бошқа нарсаларга қўшиб «маданий ҳамкорликларимиз устига ҳам чизиқ тортиб юбордик». Хўш, шундай экан, келгусида бу борада аҳвол қандай бўлади, деган савол устида ҳаммамиз бош қотираётганимиз аён. Менинг назаримда, биз, аввало, ана шундай яшашда давом этамиз. Чунки мустақилликка эришганлар ҳозирча ўз уйини тартибга солиш билан банд бўлмоқдалар, улар қандай яшаш, қандай сиёсат юритиш, қандай йўлни танлаш билан оворалар. Шу билан бирга улар империя сиёсатининг ҳайбатли тош деворлари ичида қолиб кетган минг йиллик маданий меросларини қўрқмасдан ёруғликка олиб чиқиб, бу мероснинг устига қўнган чангларни қоқиб, уларга илинган турли хил «ёрлиқ»ларни олиб ташлаб, маънавий бойликларни пешонасига суртиб, руҳларига сингдирмоқдалар. Наврўздай қатағон қилинган байрамларини қайтадан тиклаб, камситилган, ҳақоратланган тилларига катта имтиёзлар бермоқдалар.

Иккинчидан, истиқлол йўли бугунги кескин сиёсат устидан, хавфли жараёнлар орасидан ўтмоқда. Айни пайтда, у бозор иқтисоди шароити билан юзма-юз келиб турибди. Бозор иқтисоди шароити эса ниҳоятда оғир кечади, олдда машаққатлар жуда кўп. Бу машаққатли йўлларнинг турли жабҳаларида эса Қобул Абулни ўлдирмоқда, қон тўкилмоқда.

Учинчидан, энг кўнгилсиз жойи шундаки, давримизда кутилмаганда бирданига юз бераётган ўзгаришлар одамларнинг психологиясини, руҳиятини ҳам ўзгартириб юбормоқда: одам одамдан, ҳатто дўст-дўстдан узоқлаша бошлади. Яқинлик аломатлари йўқолиб, ётлашиш, ёвуқлашиш ҳоллари юз бермоқда.

Қачонгача бундай аҳвол давом этишини ҳозирча ҳеч бир донишманд айта олмаса керак. Лекин нима бўлмасин, буларнинг ҳаммаси вақтинчалик қийинчиликлар эканига имоним комил. Чунки миллий маданият қанча тараққий этса-да, ҳеч вақт ўз қобиғига ўзи ўралиб яшай олмайди. Бир миллат вакили иккинчи бир миллат вакили билан турмуш қурганида уларнинг бир-бирига ўхшамаган қонлари қўшилиб, насли янгиланиб, улардан гўзал, бақувват авлодлар дунёга келгани каби миллий маданиятлар ҳам бир-биридан озиқланиб, бойиб туради. Масалан, Алишер Навоийнинг ижодига бир назар ташланг. Жаннатмакон ҳазратимиз инсоннинг олижаноб туйғуларини улуғлар экан, бу билан фақат туркий халқлар маданиятинигина эмас, дунёвий маданиятни улуғлади. Унинг юксалишига хизмат қилди. Буни Гёте ижодида, Пушкин асарларида ва яна бошқа кўплаб шоирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Яъни, миллий маданиятлар ҳамкорлик қилмасдан, Ғафур Ғулом айтгандек, «Бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд» бўлмасдан яшай олмайди. Бунинг учун бир-бирларимизнинг асарларимизни ўқиш, ҳаётимизни телевидение орқали намойиш қилишнинг ўзи етмайди, кўзларимиз кўзларимизга тушиши, юзимиз-юзимиздан баҳра олиши, жонли мулоқотлар зарур.

**— Маълумки, ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ўртасидаги алоқалар муваффақиятли давом этиб келаётган эди. Эндиликда бу алоқалар иқтисодий инқироз туфайли тўхтаб қолди. Ҳамкорликлар кам, энг яхши асарлар таржима қилинмаётибди. Сабаби аён: бугун ижодкор ўз асарини нашр қилиш учун имконият тополмаётган пайтда таржима асарларни нашр эттириши осон кечмайди, албатта. Шу жараёнда ҳамкорликлар қандай кечишини истардингиз!**

— Келинг, тўғрисини айтай, ўзаро ҳамкорлик масаласида биз, қорақалпоқ ёзувчилари, ҳақиқатан ҳам кечаги кунни — ўша, турғунлик деб аталаётган даврдаги муносабатларни соғинамиз, қўмсаймиз! (Лекин бундан қорақалпоқлар империячилик системасининг шайдоси экан, деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Биз фақат ўша даврдаги энг яхши анъаналар — ҳамкорлик, дўстлик, ўзаро борди-келдиларнинг давом этишини истаймиз, холос). Чунки қорақалпоқ тилида чиққан энг яхши асарларнинг кўпчилиги рус, ўзбек ва бошқа тилларга ўгирилиб, нашр этиларди. Тошкентдаги ҳамма нашриётларнинг планидан қорақалпоқ адибларининг асарлари ҳам ўрин олмасдан қолмасди. Уларни иқтидорли ўзбек ижодкорлари таржима қилишарди. Худди шунингдек, ўзбек ёзувчиларининг ҳам қорақалпоқ тилда китоби чиқмаганлари топилмаса керак. Қисқаси, бир-биримизни яхши билар эдик. Бориш-келиш, ижодий ҳамкорликлар яхши эди, ўзаро учрашувлар, ижодий мулоқотлар, мушоиралар бизни ҳам қувонтирарди.

Хўш, энди-чи? Энди ҳаммаси сувга тушган кесакдай йўқ бўлди. Буларнинг сабаблари ҳаммага маълум бўлгани учун улар хусусида тўхталиб ўтирмайман. Лекин бир гапни таъкидлаб ўтмасам бўлмас: Тошкентда қорақалпоқ адиблари китобларининг чиқмаслигини фақат бозор иқтисодига, бугунги тахчилликка боғлаб кўрсатиш адолатдан эмас. Токи, Ўзбекистон истиқлол бахтига эришган экан, бу бахтдан унинг бағрида яшовчи қорақалпоқ адиблари ҳам баҳраманд бўлмоқлари керак...

Тўғри, ҳозирги шароитда таржима асарларни нашр этиш, халққа етказиб бериш қийин иш. Бунинг устига китоблар тобора қимматлашиб бормоқда. Табиийки, бу борада мен ишбилармон эмасман. Лекин умумий маънода лоқайд эканимизни тан олишимиз лозим. Нашр этилган китобларнинг бизда рекламаси, тарғиботи йўқ. Ахир «Онангни отангга бепардоз кўрсатма», деган нақл бор. Шундай экан, нега китобларимизни тарғибот марказларимиз, унинг ходимлари, танқидчилар телевидениеда, учрашувларда келин бўладиган қиздай таърифлаб-тавсифлаб туришмайди? Тошкентда ҳам, Нукусда ҳам, бошқа вилоятларда ҳам телевидение ва радиоларда «Янги китоблар» рубрикалари бўлиши керак. Вақтли нашрлар бу иш билан жиддий шуғулланишлари зарур. Албатта, бунинг учун аввало яхши асарлар, яхши китоблар нашр этилмоғи шарт.

**— Кейинги икки-уч йил ичида қорақалпоқ адабиётида юзага келган аҳволни, унинг ютуқ ва камчиликларини қандай баҳолаган бўлардингиз!**

— Икки-уч йил адабиёт учун «қош қоққудек» фурсат. Бу фурсат унинг ютуқ ва камчиликлари хусусида сўз айтишига имкон бермайди. Лекин адабиётнинг ана шу вақт ичидаги айрим умумий нуқталари тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин. Бу вақт ичида анча шеърлар яратилди, ҳикоялар ва қиссалар нашр этилди. Айниқса, публицистика кучайди. Тарихимизни, маданий меросимизни тадқиқ этувчи мақолалар чоп қилинди. Лекин буларни умумлаштириб қарасанг, шу вақт ичида қорақалпоқ адабиёти учун воқе бўларлик, портлаб чиққан асар пайдо бўлмади.



**СУРАТДА: Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов таниқли ўзбек адиблари Миртемир, Шуҳрат ва Мирмуҳсин билан. 60-йиллар.**

Амударёда бу йил, худога шукур, сув яхши, лекин «Амударё» журнали маблағ йўқлигидан ёпилиш хавфи остида. Сўнгги бир-икки йилда йилига тўртта сондан чиқиб турган «Орол», «Орол қизлари», «Ғунча» журналлари муштарийлар эътиборини жалб қилган эди, афсуски, улар ҳам ташкилотларнинг хайриялари туфайли нашр этилмоқда. «Қорақалпоғистон» нашриёти ҳамда Ёзувчилар ташкилоти ҳам моддий маблағ етишмовчилиги туфайли қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Хўш, деб, энди ёзувчиларнинг ўзаро муносабатлари, жанжаллари хусусида тўхталадиган бўлсак, бу борада тошкентлик қаламкашлардан орқада қолаётганимиз йўқ...

**— Кейинги йилларда қорақалпоқ адабиётига кириб келаётган ёшлар ҳақидаги фикрларингиз. Уларнинг ижодидаги қайси жиҳатлар сизни қувонтиради ва қандай камчиликлари ташвишлантиради!**

— «Ёш ижодкор» деган сўзнинг мазмуни ғоят улкан, унинг доираси беқиёс. Шунинг учун унинг доирасига илк китоби чиққан ёки чиқмаган, ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлмаган, уй ололмаётган, бўйдоқ (ёки турмушга чиқмаган), оила қуриб бир-икки болалик бўлган, талаба ёки яқинда ўқишни тугатган, топгани овқатига етиб кийимига етмайдиган, бугун бир жойда ишлаб эртага ишсиз қоладиганлар (сабаби аён: кечаси билан ухламай шеър ёзиб чиққанидан кейин эртасига ишга кечикиб келаверса, ким ҳам уни ишга оларди) киради. Баъзан улар даврасида 40—45 ёшли ёшлар ҳам учраб туради. Уларнинг хислатлари ҳам кўп ва ўзларига яраша: икки-учтаси бир жойга йиғила қолса, худо билади, айниқса, қалам ҳақи теккан кун байрам суҳбатларида қизлар, давлат раҳбарлари, ой, юлдузлар, учар тарелкалар, хуллас, бирор мавзу четда қолмайди...

Уларнинг тақдири ҳам халқимиз, пахтамиз тақдирига ғоят уйқаш. Шунча йиллар, асрлар халқимиз пахтани экиб, уни миллий ифтихоримиз, бойлигимиз дея атаб пешонаси ярақламагани каби, ёшлар ҳақида ҳам ҳар йили иккиучтадан қарорлар чиқарилса-да улар амалга ошмагани туфайли ғамхўрликлардан баҳраманд бўлолмадилар... Лекин шуларга қарамай, агар ёшлигимизни қайтариб беришса эди, Жўлмирза оға ҳам, Қайипберганов ҳам, мен ҳам ҳозир нимагаки эришган бўлсак, барчасидан воз кечиб, ҳаётимизни қайтадан бошлар эдик. Янаям бошқаларни билмадим-у лекин ўзим аниқ шундай қилган бўлардим. Бироқ кимдир «агар энди қайтадан бола бўлсам, шум бола бўламан», деб айтган экан. Эҳтимол, шу сабабли биз катталарга болалик қайтиб берилмас. Нима бўлгандаям энди болаликка қайтолмаслигимиз аниқ. Яхшиям ёш Вертернинг азобларини тортувчи, бошқа ёшлар, янги авлодлар бор!

Мен уларни номма-ном айтмайман. Сабаби маълум, агар бир-иккитасининг номини айтсангиз бас, қолганлари «нима, биз ёшуллининг арпасини хом ўрган эдикми?» дейиши аниқ. Уларнинг аксариятини яхши кўраман, асарларини севиб ўқийман, қўлимдан келганча маслаҳат бераман. Менга, айниқса, уларнинг билимдонликлари, дунё адабиётидан хабардорликлари, эндиликда тарихимизга чуқурроқ назар ташлай бошлаганликлари маъқул.

Лекин уларнинг ҳаммасини бирдай деб бўлмайди. Ораларида бироз тантиқлари, хатти-ҳаракати билан «куйдирадиган»лари ҳам бор. Масалан, Аскарбой Ажиниязов деганимиз бор. Унда ёш шоирга хос хусусиятларнинг аксарияти мавжуд: ёзувчилар уюшмасига аъзо эмас, уйи йўқ, уйланмаган, илк китоби бўғирсоқдай ҳажмда энди нашр этилади ва ҳоказо... У ижодкорларни таланти бор шоирлар ҳамда шон-шуҳрат, пул кетидан қувловчилар деб икки тоифага ажратади. Мен унинг иқтидорига ҳам, айтганларига ҳам тан бераман. Бироқ унинг ўзини ҳам сал арвоҳ урган, деб ўйлайман. Бундай деганимки, у бор талантини керакли нарсаларга сарфлайвермайди. Бундан хулоса нима, Аллоҳ Таоло шу бандаларим ҳам бир каромат кўрсатсин деб, уларнинг қалбига талант нурини қуяди, уларга ҳўкизнинг шохини қайирар, думини узиб олар даражада куч беради, бироқ улар «атомнинг кучидан ўтин ёриш учун» фойдаланадилар. Афсуски, ёш ижодкорлар орасида шундайлари ҳам бор.

**— Ибройим оға, ҳозирги даврни ташвишлар даври деб аташ мумкин. Қаёққа қараманг, ташвишларни, муаммоларни кўрасиз. Шулар ичида назаримда, энг катта ташвиш — Орол денгизининг фожиасидир. Биз ўзимиз ўтирган шохни болта билан чопаётган тентакларга ўхшаймиз. Ахир Оролнинг тагидан кўтарилаётган минглаб тонна заҳарли чангларни кўра-била туриб, денгизга бир қатра сув бермаслигимизни, уни тобора кўпроқ қуритаётганимизни бошқача баҳолаш мумкинми! Денгиз фалокати ҳақида ёзилмаган, айтилмаган гап қолмади. Лекин бирор амалий иш йўқ. Шу маънода келгусида Орол тақдири нима бўлади, деб ўйлайсиз!**

— Эй, ука, Оролни айтманг, дардим қўзиб кетади. Орол — биз билан сизнинг юрак ярамиз. Худо олдида қиёмат-маҳшарда жазога тортиладиган қилмишимиз. Ахир, парвардигори олам уни одамларнинг «қуритиши» учун эмас, бандаларим жазирама саратонда «қийналмасин», табиатда чўл ва денгиз ёнма-ён турсин, гўзал иқлим сақлансин, кўм-кўк денгиздан, ундаги бойликлардан инсон баҳраманд бўлсин деб, яратган. Унинг бу ниятларини инобатга олдикми биз... Денгиз тубидан кўтарилган заҳарли тўзонлар юрак жароҳатимга сепилган пайтларда қаламимдан дардли, мунгли мисралар тўкилади. Шунинг учун ҳам кейинги шеърий тўпламларимни «Тузли шамоллар», «Умид ёғдуси», деб ном ладим. Мўйноққа ҳар борганимда қалбим зардобга тўлиб «Орол элегияси», «Кемалар қабристонидаги нидо» каби шеърлар битаман.

Агар инсон камолоти асосида унинг табиатга чинакам фарзандлик муҳаббати, ундан инсоф билан фойдаланиши, уни асраб-авайлаши, бу илоҳий руҳни ардоқлаши, унинг гўзаллигидан лаззат олиб яшаши каби хусусиятлар ётса, демак, бизлар, йигирманчи аср охирида яшаётган мичуринчилар бундай камолотга эришолмаган чала одамлар эканлигимиз маълум бўлади. Бироқ умидим шулки, қачон бўлмасин, чинакам камолотга эришган авлод дунёга келади. Улар она табиатнинг ардоқчиларига айланадилар...

Орол тақдири ҳақида оламаро ва халқаро қанчадан-қанча конференциялар, анжуманлар бўлди ва бўлиб ўтмоқда. Бироқ менинг ёлғиз ишончим шундаки, Оролни аввало яратганнинг ўзи, қолаверса, Амударё билан Сирдарё бўйида сув ичиб ўтирган олти қардош республика — давлатнинг сувдан фойдаланиш борасида ўзаро келишиб иш тутиши, бу йўлда ишлаб чиқадиган режаларигина қутқаради. Бошқа ҳеч ким, таъкидлаб айтай, ҳеч ким қутқара олмайди...

**— Мана, сиз халқ депутатисиз. Депутатлик йиғинларида, сессияларда доимо қатнашиб келасиз. Юртимиз мустақиллиги ҳақида яхши қарорлар қабул қилинди, фикрлар билдирилмоқда. Буларнинг бари яхши. Лекин бугунги депутатлар депутат сифатида халқнинг бирор корига ярайдиларми, оғирини енгил қила оладиларми! Ўзингиз-чи! Ўзингизнинг депутатлик фаолиятингиздан қониқасизми!**

— Илгари депутатлик мартаба, бахт қуши деб қаралар эди. Бу бахт қуши кутилмаган бошларга ҳам қўнаверарди. Бу қуш ҳали ҳам бор ва ҳозир ҳам баъзида кутилмаган бошларга қўниб туради. Лекин энди у бахт қуши эмас, шовқини кўп ташвиш қушига айланди. «Бугунги депутатлар халқнинг корига ярайдими?» деган саволингизга ўзим депутат бўлмаганимда ҳам «ҳа» деб жавоб берган бўлардим. Ҳозирги депутат бу — халқ, замон, Ватан тақдири учун тўққиз тўлғониб ўн туғадиган жонкуяр. Ахир сиз айтган ўша низомлар, қарорлар қанча пешона тиришишлар билан ўртага чиқади. Бунинг устига яна наказлар. Унинг ҳам устига яна ноҳақдан қамалганлар, ўринсиз ишдан бўшатилганлар, боласи армия хизматидан қочиб келганлар, нафақасини оз олаётганлар, хотини билан уришганлар — ҳаммаси депутатга арзга келади. (Назаримда, парламент структурасида ҳам, наказ масалаларида ҳам келгуси сайловларда кўп ўзгаришлар юз бериши аниқ. Чунки юқоридаги айтганларимнинг кўпчилиги депутатнинг вазифасига кирмайди)... Булар менинг бугунги депутатлик ишига депутат сифатида муносабатим. Аслида депутат ўз вазифасини қандай бажармоқда деган саволга ҳаққоний жавоб берадиган сайловчи бор.

**— Қорақалпоқ адабиётида сизгача ҳам шоирлар бўлган, мана, сиздан кейин ҳам ёш ижодкорлар етишиб келмоқда. Лекин тўғрисини айтиш керак, сизнинг бу адабиётдаги ўрнингиз алоҳида. Буни китобхонлар ҳам яхши билади. Бироқ ижодкорнинг ютуқ ва камчилигини унинг ўзидан бўлак ҳеч ким яхши билмайди, деган гап бор. Шундай экан, танқидчи Ибройим Юсупов шоир, ёзувчи, Ибройим Юсупов ижодини қандай баҳолаган бўларди!**

— Шоирлик — бу булоқ кўзига ўхшаган нарса. Шоир ўзининг энг яхши шеърини келгусида яратаман деб умид қилиб яшайди. Афсуски, йиллар қўлимиздан тутиб етаклаб, борган сари бизни булоқ бошидан узоқларга олиб кетмоқда... Ижодкор ютуқ ва камчилигини бошқалардан кўра ўзи яхши билади, деган фикрга унчалик қўшилмайман. Чунки шоир кўпгина ҳолларда ақл билан эмас, туйғу билан иш кўради. Туйғу эса аксарият ҳолларда ақлга бўйсунмайди. Шундай экан, у фақат менинг ўйлаганим маъқул, бошқалардан кўра бу ҳол ўзимга аён дейишим ўнғайсиз. Тўғри, Пушкин айтгандай, шоир Аполлон қурбон талаб қилиб турганда ўзи подшо, ўзи ҳукмдор. Лекин у таваккал отига қамчи босади. «Бу асарим қандай бўлиб чиқди экан?», деган умид билан асарини нашр эттиради. Демак, шоирнинг ютуқ ва камчилигини ўзи эмас, бошқалар айтгани маъқул.

Гарчи шундай бўлса-да агар мен танқидчи бўлсам, шоир Юсуповни деворга тираб қўйиб, унга юзинг-кўзинг демай, «Сен юрт мақтади деб, кўп ҳаддингдан ошаверма, амаким... Шеърга сиёсатни кўп тиқиштираверма», дер эдим.

Лекин илож қанча, замоннинг кескин ўзгариши ҳаммани сиёсат денгизининг ёқасига ҳайдаб олиб келиб, унга тикилтириб қўйди. Начора, қанча тикилганимиз билан «олтин балиқ» чиқиб, тилга кирмади. Публицистика навкарлари бемалол лириканинг қошига бостириб кириб олди. Шу сабабли бизда минбардан айтиладиган баёнот мазмуни шеърга айланадиган бўлиб қолди. Бундай ишлардан, иним, биз ҳам бенасиб эмасмиз. Келинг, бу гаплар кўпайиб кетди, яхшиси, бир тўртлик ўқиб берайин:

**Бозордан бировни қидирганимдай,**
**Мен ўзимни гоҳда излайман тинмай.**
**Баъзан ўз-ўзимдан қочаман безор,**
**Қочиб қутилмассан ўзингдан бироқ...**

**— Сизни ҳаётда ва бадиий ижод соҳасида қийнаб келаётган, лекин ушалмаётган орзу...**

— Ушалмаётган орзу, орзу эмас, орзулар — улар нақадар кўп!

**Улар юлдуз бўлиб чақирар сени,**
**Кезар кўк юзида кумуш ой бўлиб.**
**Юмшоқ ботар жийданинг ҳам тикони,**
**Уни кутганингда яшириниб туриб.**

**Гоҳ у ҳунар бўлар сен ўрганмаган,**
**Илмда сен кутган сирли кашф бўлар.**
**Шону шуҳрат бўлар сен эришмаган,**
**Сен тута олмаган оқ билак бўлар...**

Шундай иним, қулоғингга шивирлаб айтайин, мен бир «оқ билак» соҳибжамолга — гўзал шеъриятга ошиқман. Пайғамбар ёшидаги ошиқлик одамда ниҳоятда оғир кечар экан. Шундан азоблар чекиб, юрагим қон йиғлайди:

**Ҳижрон пиёласи лим тўлди шеърга,**
**Даврон ўтганини билдим шу ерда.**
**Сановбар гулга-ю гул унга ошиқ,**
**Мен-чи ҳеч бирига ўхшай олмадим...**

**Суҳбатдош: Камол МАТЁҚУБОВ**

---

Вафо ФАЙЗУЛЛО

## *ЧЎЛПОН*

(37 йил)

Ҳали кўп қон қусиб, келади кўклам,
Дардимизни ҳеч ким ололмас юлиб.
Қанотимга киргин ёлғизим алам,
Мен кулиб келган эдим, кетяпман
тўлиб...

Адирлар ҳаяжоннинг боқий дояси,
Соф қолса бас на-да тонгнинг этаги.
Юракнинг ипини уз, дорнинг боласи,
Тугаб бошланади ҳурнинг эртаги.

Сотқин жўраларни танир арвоҳим,
Қуёш қизлари деб гулларим сўлган.
Гўринг нурга тўлгай эрта гуноҳим,
Юртнинг даласида бугун хор бўлган.

Юракда юраклардан ҳайдалган худо.
Шудгорланган дилга экканим сабр.
Кўзи кўр қизғалдоқлар, айтмангиз
видо,
Боши очиқ дилдор Бинафша, хайр...

Ҳали кўп қон қусиб, келади кўклам...

●

Бугун нима турнанинг келиши?
Миноралар мудраган.
Алаҳлаб чақирар Мужримни.
Исмсиз далада пишаклар боқади,
Ўлмаган кўнгилнинг чўпони.
Шафақнинг хуржини чақасиз.
Лайлаклар гадолар бешигида.
Бугун нима турнанинг келиши?

Нимани билдиради тупроқнинг
кўкариши?
Оқ гуноҳ авраб борар ақлни.
Қалтирар тўнин излаб Хизр бобо.
Барваста садақачи хотин-туман
Кўнгил сўрар, кўнгил сўрар...
Ҳотами Той очуннинг бахили,
Шаддод аёз тановули мусичалар
Нимани билдиради тупроқнинг
кўкариши?

Ким ахир баҳорнинг раққосаси?
Булбулжон сабрлар тобутида,
Тўнғиган дарёлар овози-чи,
Қор иффати ишқимиз совутади.
Овутади сумалак ўланчидай,
Бу ўртада ҳозирча тенги йўқдир.
Қайдан келиб қайга кетди
гулханчилар?
Ким ахир баҳорнинг раққосаси?

## *НИККОЛО ПАГАНИНИНИНГ «АЛПОМИШ» ДОСТОНИ*

Аҳай, бузрук қалбнинг нигоҳи ҳовуз,
Алпнинг юрагини ковлаган Барчин.
Ишқнинг дарёлари тошади сўзсиз,
Наъра эгаллайди ер қаъри, аршни.

Аҳай, кўпкарида оёғи қон Март,
Термулган кўзларида тунаб
Бойчибор.
Бойсун-Қўнғиротнинг довруғи қанот,
Ўн тўрт ботмон қўшиқ иплари йўқ дор.

Аҳай, овозанинг қўли парли ёй,
Асқар тоғин чалган қудрат довуши.
Қалмоқ талошида ҳуркитилган ой,
Тўқсон молнинг инқилоби қовушиб.

Аҳай, севги дара, сийлаган тўра,
Оқмоқда ориятинг мисоли жола.
Олти ойлик йўлдир Чилбирдаги бахт,
Туғённи қамчилагин, туғённи жўра.

Аҳай, сарҳадларни олди дор Чилла...

## *ХАЁЛНИНГ ТУБИДА КЕНТЛАРИМ*

Ишхона — гунг кунлар эҳроми,
Дардимни ўқиган кенг осмон,
Эзгулик чошланган хотира айвони.

Ишхона. Югурар чўрткесар тафаккур.
Эй, номим ҳайқирай ким учун?
Ҳўрланган ирода бепоён.

Ишхона. Қалбларнинг қаърида қазинғ
гўр.
Сотилган ғийбатлар тўкилди умрга.
Боғларга қулаган қанотсиз тасаввур.

Ишхона. Дўсти йўқ сўфилар жўнайди,
Азонлар туши-ла дарёга.
Беғубор товушни ўйлайман.

Ишхона. Тарк этдим каллакли
тутларни,
Узлатга чекинган Яссавий ғоримен,
Хаёлнинг тубида яшайди кентларим.

---

Наби ЖАЛОЛИДДИН

## *АРМОННИНГ ДАВОМИ*

(Афғон туркумидан)

Ўлимга кўрсатиб тилимни
Шу буюк ҳурликни этганман мазах.
Тақдирга битилган икки йилимни
Жаллоддек қиймалаб,
Тутганман аза.

Ажал уруғини ҳовуч-ҳовучлаб
Осмону фалакка сочганим ҳам рост.
Буюк гуноҳларни улгуржи ишлаб,
Гуноҳкор умримни этганман халос.

Мен мўмин эдим-ку!..
Энди-чи осий,
Кўзим нам,
Ахтаргум таскинбоп нола.
Тунда юлдузларни чўғ каби босиб
Осмонни излайман
Мен —«афғон бола»...

Қаламда титрайди у совуқ қўллар
Қақшаган асабнинг қаҳратонида.
Пойимда оҳ урган бегона йўллар
Илондек сирпанар юрак қонида.

Бир дийдор истайман интиқиб, Худо!
масхара этганим Тутқазмас қўлин.
Буюк гуноҳларга кўзласам адо,
кўрсатар тилини қасоскор ўлим!..

## *ФАЛАКНИНГ ТИЛИ*

Булутнинг ипакдек қовурғалари
Нигоҳимни юборди тилиб.
Гир айланиб устимда фалак
Қип-қизариб осилди тили.

Мен майсанинг япроқларига
Чопиб кетдим оёғим босиб,
Қафтимдаги фалакнинг тили
Ҳилпирайди туғдек мисоли.

Қизил нурнинг оғушида хўп
Қонга тўлар оломон кўзи,
Бўғизлари нафратга тўлиб,
Оёғимга осилар сўзи.

У тош эмас,
Оддийгина сўз,
Ерда эмас менинг оёғим.
Қонга тўлган милён-милён кўз
Бир-бирига нуқир таёғин...

## *БЕШИНЧИ СЕНТЯБР*

(Отам вафот этган кун)

Шамол қулоғимга
деб кетди недир,
Бир пишиллаб қўйди кўпчиган хазон,
Мудраётган шохлар қулочин керди,
Уйғонди бағримда ухлаган азоб.

Азобки, шафқатни ташлаган сўйиб,
Менга етим дея ном берганда куз.
Азобки, умримни ўлимдек суйиб
Қувлаган куну тун тинмай изма-из.

Шамол қулоғимга деб кетди недир,
Йиғла,
Хазон каби йиғлагин, ўғлим!
Ёшингдан азобим шафқатлар туғсин,
Умримни азобдек суймасин ўлим,
Йиғла,
Менинг каби йиғлагин, ўғлим!..

●

Хонанг узра ой тўлганида,
Тўкилганда унга юлдузлар,
Лабларингни чимчилаб олсин
Мени!..
Мени ўлдирган сўзлар.

Жоним, бахтинг бўлсин-ей тўкис,
Йўлларингда турсин солланиб.
Сувратларни кўрганда туйқус.
Эслаб қўйгин «афғон бола»ни.

Эсласанг бас, қолмасанг унут,
Майли, дилда тиклама ҳайкал.
Сўзларингни сўзласа сукут
Эслашингни ҳис этган пайтда
«Афғон бола»— серзарда йигит
Ўлаверар қайта ва қайта...

